

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ - ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Х.Ж.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти

Корпоратив бошқарув ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун, аввало, бизнес ҳақида, корпоратизм ва корпорация тушунчаларини кўриб чиқамиз: Бизнесни ташкил қилишнинг турли ҳил шакллари мавжуд. Шулардан энг оддийси – хусусий фирма ёки якка мулкдорнинг фирмасидир. Лекин ҳамма хусусий фирмалар ҳам кичик корхоналар бўлибгина қолмасдан, улардан баъзилари бир қатор тармоқларга эга бўлган, катта миқдордаги ёлланма ишчи ва менежерларга эга бўлган йирик корхоналар бўлишлари ҳам мумкин. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда якка тарздаги фирмалар кенг тарқалгандир. Ўзбекистон шароитида биз бунга мисол қилиб масъулияти чекланган жамиятларни қайд қилишимиз мумкин. Бунда бизнес юритишнинг юридик шаклида фирма муассислари ўзлари қўшган ҳиссага муносиб тарзда фирма фойдасидан баҳраманд бўладилар. Бозор иқтисодиётга асосланган мамлакатларда бундай мақомдаги фирмалар энг кам тарқалган бўлиб, улар умумий фирмалар сонининг тахминан 10 %ини ташкил этади ва сотувдан тушувчи йиллик тушумнинг 4%и улар зиммасига тўғри келади. Бизнеснинг бу турларига муқобил тарзда корпорациялар (акциядорлик жамиятлари) майдонга чиқадилар. Бу бизнес ташкил қилишнинг қонунчилик томонидан тартибга солиниб турувчи алоҳида шакли бўлиб, қонун нуқтаи назаридан мустақил юридик шахс мақомига эга. Акциядорлик жамиятини ташкил қилиш орқали, акциядорлар ҳуқуқий жиҳатдан мулкка эга бўлишлари, ссуда олишлари ва ҳ.к.з ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Бизнеснинг бу турда ташкил қилиниши бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда кенг тарқалган. Корпорация – бу бизнес юритишнинг бошқа шаклларидан фарқ қилувчи ва унинг эгалари бўлган муайян кишилардан алоҳида бўлган ҳуқуқий шаклдир. Корпорациялар ҳукумат томонидан тан олинган юридик шахслар бўлиб, улар ресурсларни сотиб олиш, активларга эгалик қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, қарз олиш, кредит бериш, даъво қилиш ва судда жавобгар сифатида қатнашиш ҳамда бошқа турдаги корхоналарга тааллуқли бўлган барча функцияларни бажаришлари мумкин. Бизнеснинг корпоратив шакли

маълум бир хусусиятларига кўра хусусий ва ҳамкорликдаги фирмалардан фарқ қилади. Корпорация акция кўринишидаги мулк улушларига эга бўлган акциядорларнинг буткул қўл остидадир. Акциядорлар корпорациянинг эгалари сифатида маълум ҳуқуқларга эга бўладилар. Овоз (ҳуқуқ) кўлами эгалик қилинадиган акциялар сонига узвий боғлиқ бўлади. Корпорация мулкига эга бўлган акциядорлар даромаддан улуш (дивиденд) олиш ҳуқуқига эгадирлар. Дивидендлар акциялар сонига мутаносиб тарзда тўланади. Акциядорлар корпорациянинг қарз ва мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайдилар. Корпорацияларнинг афзалликларга тўхталадиган бўлсак, улар қуйидагилардан иборат:

1. Пул капитали жалб қилиш нуқтаи-назаридан, корпорация бизнесни ташкил қилишнинг энг самарали шаклидир. Корпорацияларга акция ва облигациялар сотиш орқали кўпчиликнинг омонат жамғармаларини жалб қилиш ёрдамида молиялаштириш хусусияти хосдир.

2. Корпорациялар йирик ва мураккаб технологик жараёнларни ўзлаштириб, янада мукаммал товарлар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ҳамда инсон ресурсларидан унумлироқ фойдаланиш имкониятига эгадир. Бунинг натижасида бутун корпорациянинг умумий фаровонлиги ошади.

3. Яна бир афзаллик, бу - чегараланган миқдордаги масъулиятдир. Корпорациянинг эгалари ёки акция эгалари фақат акциялар учун тиккан пул маблағлари 72 доирасидагина таваккалчиликка эга бўладилар. Уларнинг шахсий мулкларига эса, корпорация банкрот бўлган тақдирда ҳам, путур етмайди. Чегараланган миқдордаги масъулият корпорациянинг пул маблағи жалб қилишдаги вазифасини анча енгиллатади.

4. Корпорация ўз фаолиятининг бир жабҳасидан иккинчисига капитал кўчириши нуқтаи назаридан самарали ва жозибадордир.

5. Корпорациялар одатда катта пишиқликка, умрбоқийликка ва барқарорликка эгадирлар. ҳар қайси акциядор ўзи истаган пайтида акцияларини сотиб жамиятдан чиқиши мумкин. Лекин, бу ҳолат корпорациянинг барбод бўлишига олиб келмайди.

Корпорацияларнинг афзалликлари унинг камчиликларидан устун бўлса ҳам, бу камчиликлар эътиборга моликдир. Булар қуйидагилардир:

1. Корпорацияни расмий равишда рўйхатдан ўтказиш маълум бир бюрократик жараёнлар билан боғлиқдир, шунингдек ҳуқуқий хизмат

учун молиявий харажатлар сарф қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

2. Корпорациялар фаолияти давлат томонидан кўп ҳолларда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб туради ва доимий назорат остида бўлади.

3. Бизнес ташкил қилишнинг корпорация шаклида маълум бир суистеъмолчиликларга замин мавжуд. Масалан: корпорация ҳуқуқий шахс бўлганлиги туфайли, маълум бир виждонсиз кимсалар шубҳали ишлаб чиқариш фаолияти учун жавобгарликдан қутулиб қолиш имкониятига эга бўладилар. қонун томонидан таъқиқланган бўлишига қарамай, бизнеснинг корпоратив шакли ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган қимматли қоғозлар чиқариш ва сотиш учун замин яратиши мумкин.

4. Йирик корпорацияларда акциялар юз минглаб акциядорлар қўлида тарқалиб кетган ҳолатларда мулк ва назорат функциялари ўртасида тафовут пайдо бўлади. Бунинг сабаби, оддий акция эгаларининг фаоллик даражасининг пастлигидадир. Майда акциядорларнинг аксарияти фақат дивиденд учунгина акцияларга эгалик қилиб, корпорация фаолиятида деярли қатнашмайдилар. Бунинг натижасида ҳақиқий ҳукмронлик муассислар ва бошқарувчилар қўлида бўлади. Хўжалик субъекти сифатидаги корпорация доирасида ўз мақсадини кўзлаган бир неча гуруҳлар яъни тарихий маънода “корпорациялар” мавжуддир: биринчидан, акциядорлар корпорацияси (мулкдорлар), иккинчидан, мулкдорларга ҳисобот берувчи юқори поғонадаги ёлланма раҳбарларнинг корпорацияси, учинчидан, ёлланма ишчилар; демак, корпоратив бошқарув – бу корпорациянинг самарали фаолиятига ҳамда компания эгаларининг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг манфаатларини қониқтиришга тегишли масалалар юзасидан корпорация менежерлари, корпорациянинг эгалари, бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар системасидир. Корпоратив бошқарувнинг бир қатор ўз тамойиллари мавжуддир. Улар қуйидагилардан иборат:

- компанияга унинг барча қатнашчилари, шу жумладан акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда, ҳалол рақобат шароитида муваффақиятли ҳаракат қилиш имконини берувчи бошқарув қоидаларининг адолатлилиги;

- компанияга тегишли барча жиддий масалалар, шу жумладан мулк тузилиши, молиявий аҳволи, фаолият натижалари бўйича аниқ ва ўз вақтида маълумотларни ёритишни ўз ичига олувчи шаффофлик;

- ижро органларининг кузатув кенгаши ва акциядорларга ҳисоблилиги ҳамда бошқарув барча органларининг ваколат ва функцияларини аниқ чегараланишини кўзда тутувчи ҳисоблилиги;

- компаниянинг фаолияти билан боғлиқ қарорларни қабул қилувчи раҳбарият ва шахсларнинг акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар олдидаги жавобгарлиги; акциядорлар, менежерлар ва компания фаолиятига жалб қилинган бошқа шахсларнинг манфаатлари балансига риоя қилган ҳолда акциядорлик компанияси фойдасини максималлаштириш;

- акциядорларга, уларнинг компания устав капиталига қўшган ҳиссаларидан қатъий назар бир хил муносабатда бўлиш; -акциядорлик компанияларининг уставида акциядорлар ва раҳбар органларнинг функция ҳамда мажбуриятларини акс эттириш;

- ахборотларни, шу жумладан йирик акциядорлар ҳақидаги маълумотларни ёритиш бўйича кенг кўламдаги ошкоралик;

- менежерлар томонидан компаниянинг ишларини ҳалол тарзда олиб боришни таъминловчи чегара ва қарама-қарши тизгинлаш системасининг мавжудлиги;

- давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда жамоатчилик билан тўғри йўлга қуйилган ўзаро алоқалар;

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, корпоратив бошқарув ҳақида хулоса қилиш учун, аввало, бизнес ҳақида, корпоратизм ва корпорация тушунчалари билан юқорида танишиб чиқдик ва корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи омиллар хусусан, бизнесни ташкил қилишнинг турли хил шакллари, ушбу слҳада бизнес юритишнинг асослари кўриб чиқилди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-814-сон қонуни. 2023 йил 18 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 2 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сон қарори.

3. Останокўлова Г.М. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг миллий моделини ривожлантириш

истиқболлари./Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар.(илмий электрон журнал) №6. апрель 2013 й.

4. Freeman R.E.Strategic Management: A Stakeholder Approach, Cambridge University Press, Cambridge. 2010.

5. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного в акционерных обществах с государственным участием.// Бюллетень науки и практики. №11, 2017 г.Научный журнал Нижневартоск. С.357-363.